



ХАБААР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

● 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

● 1993 йил, 12 март № 11 (50) ●

Нархи 5 сўм.



Замонавий алоқа воситалари синавда

Сураткаш А. ТўРАЕВ

РАҚОБАТЛАШИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Жумҳуриятимиз почта хизмати ўз бошидан мураккаб даврни кечирмоқда. Мана бир йилдирки, у электр алоқаси тармоғидан ажратилиб, мустақил иш тутаётир. Ўтган вақт мобайнида шу нарса аён бўлдики, почта алоқасининг молиявий ҳолати кўп жиҳатдан соҳанинг бирмунча фойда қўрадиган тармоқларидан тушадиган маблағларга боғлиқ экан. Ҳозир бу борада муайян ишлар қилинмоқда.

Аммо зарар кўрувчи почта хўжалигини фақат алоқачиларнинг ўзи қўллаб-қувватлаб туришга қурби етмайпти. Боз устига бу соҳанинг харажатлари мунтазам ошиб бораётир. Транспорт, коммунал хизмат, электр қуввати, хомашё ва материалларнинг таннархи борган сари кўтарилиб, «Ўзбекистон почтаси» концерни ҳамини кўпроқ қоқмоқда. Концерннинг кўпгина корхоналари 1992 йилни молиявий зарар кўрилган ҳолда яқунлашди.

Вазиятни ўнглаш мақсадида хизмат ҳақини яна бир бор ошириш билан мижозларни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Агар тарифлар хизмат кўрсатиш учун кетадиган харажатларни қоплаш даражасига кўтарилса, кўпчилик почта хизматидан фойдаланишга қурби етмай қолшини мумкин. Масалан, бир дона хатни жўнатиш почта корхоналарига 7-8 сўмга тушгани ҳолда, мижозлардан бор-йўғи 1 сўм хизмат ҳақи олинмоқда холос.

Шунингдек, аҳолига почта хизмати кўрсатиш бизда қисман давлат томонидан қафолатланган. Бу ҳолат аҳоли учун қўлайдир. Аммо почта хизматининг самарадорлигини ошириш учун нима қилиш керак?

Бугунги кун талаби шуки, почта хизматида ҳам янгилаш усулларини излаш лозим. Алоқачилар учун имтиёзли солиқлар жорий этилмоғи мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, хизмат бинолари учун ижара ҳақи камайтирилиши, транспортдан фойдаланганда махсус имтиёзли тарифлар жорий этилиши, маҳаллий ҳоқимиятлар томонидан почта тармоғини ривожлантиришга моддий кўмак кўрсатилиши зарур. Ҳозирча бу борада ўзгаруш йўқ ҳисоби.

Ана шундай бир вазиятда хориқлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик айти мудаодир. «Федерал экспресс», «Дис-Чел» ва бошқа бир қатор чет элданги алоқа иштини пухта биладиган фирма вакиллари ҳар икки томон учун фойдали тақлифлар билан чиқишмоқда. Улар почтани манзилларга муддатда етказиб бериш борасида муайян манзилларга эга, ихтисослашган алоқа бўлимлари, ҳатто почта дўконлари очиниши қодир. Биз-чи? Наҳотки қараб турсак? Рақобатлашини эплай олмай-мизми?

А. КУДИНОВ

ТЕЗ ВА СОЗ

Учинчи йилдирки, Нукус шаҳарларо телефон станциясида «Роботрон» ЕС 1934 ва IBM PC XT хилдаги компьютерлар хизматида унумли фойдаланилмоқда. Унинг дастурини ёш муҳандис Б. Қолмуратов кузатиб боради.

2 та «Роботрон» шаҳарларо телефон йўналишига уланган бўлиб, сўзлашувларини қайд қилиб туради. Учинчи «ақлли» машина эса Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги ҳисоблаш марказлари билан алоқа қилиб туришини ўз зиммасига олган. А. Қўтлюмуратов бошлиқ операторлар — Т. Мадёрнов ва А. Калиевалар электрон ҳисоблаш машиналарида ишлашни пухта ўзлаштириб, шаҳарларо сўзлашувларининг тез ва соз бўлишини таъминлашаётир.

К. АЛНОВ,

Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Воқеалар ● Янгиликлар ●
● Хабарлар ●

● Ўзбекистон Президентининг жаҳондаги етакчи нашрларининг мухбирларини қабул қилиб, уларнинг саволларига берган жавоб кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. Ҳаққоний жавоблар муҳим воқеалардан бири сифатида чет эл сиёсатдонлари даврасида, оммавий ахборот воситаларида атрофлича муҳокама этилмоқда.

● Шу кунларда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажак буюк давлат» рисола-си меҳнат жамоаларида кенг ўранилмоқда. Уни муҳокама этишда сўзга чиқаётган нотинчлик республика Президентини амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатини маъқуллашиб, бу борада яқин эканликларини баён қилишаётир.

● Жумҳуриятимиз меҳнат аҳли Наврўз айёмига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Умумхалқ байрамига тайёрлик кўриш ва уни намунали ўтказиш юзасидан тadbирлар ишлаб чиқилган.

● Ўзбекистон Президентининг Фармонида биноан «Соғлом авлод учун» орден таъсис этилди. Унинг Низоми ҳам тасдиқланди.

● 10 мартда Россия Федерацияси халқ депутатларининг навбатдан ташқари саккизинчи қурултойи очилди. Унинг кун тартибига бир қатор масалалар киритилган. Қурултойнинг икки кунлик фаолияти учун 252 миллион сўм керак бўлади. Агар у ҳўзилса, ҳар кун учун камиди 40-50 миллион сўм сарфланади.

● 5 мартдан бошлаб Латвия ўз пули (лата)ни муомалага киритди. Эгза бориб лата сўмини муомаладан «сиқиб» чиқаради.

● Германияда яна бир ўткир ичимлик пайдо бўлди. Унинг номини «Борис Ельцин» деб атай бошланди. Бу арокнинг сотуваги чи-

қарилиши Россия либерал-демократик партияси раҳбари В. Жириновскийнинг газибини қўзғатганидан кўпчилик ҳайрон.

● Магнитогорскда хусусий радиостанция ва шаҳар газетаси пайдо бўлди. Унинг эгаси Александр Добчинскийдир. Ҳозирча уч шахс: металлургия комбинатининг директори Стариков, шаҳар ҳокими Илювант ва маҳаллий мафия бошлиғи муҳаррир билан кўришни истамаёпти. Эртагачи?

● Таллинда Латвия, Литва, Эстония ташқи ишлар вазирларининг йиғилиши ўтказилди. Унда уч Болтиқ бўйи давлатининг хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳамкорлик қилиш каби бир қатор масалалар муҳокама этилди.

● Исроил ва АҚШ ўртасида мудофаа соҳасида шартнома тузишга бағишланган махфий муозоралар бўлиб ўтмоқда. Тель-Авив АҚШдан ҳарбий технология соҳасидаги алоқаларни кучайтириш, замонавий қуролларни кўпроқ беришни талаб қилаётир.

● Италияда яна бир сиёсий можаро юз берди. Бу гал мамлакатнинг Бош вазир ва унинг атрофидагилар баднафсликда айбланмоқда.

● ХХРнинг раҳбарияти оммавий ахборот воситаларида сиёсий фикрларни очиб билдиришга йўл қўймаслик юзасидан қарор қабул қилди. Мамлакатда бозор илсохоти амалга оширилаётган бир пайтда матбуот ва телевидение илгаригидек коммунистик партига бўйсунди.

● Чикагодаги исломий муассасалардан бири машҳур чарм қўлқоп устаси Муҳаммад Алийнинг номи билан боғлиқ, 1980 йилги ислом динига ўтган М. Али раҳбарлиги қилаётган мазкур муассаса 200 масжид ва 45 мадраса бунёд этган.

БУГУНГИ СОНДА:

- ЭХМ — АЛОҚАЧИЛАР ХИЗМАТИДА
- АДРАСМОНГА ТИКИЛГАН НИГОҲЛАР
- ҚУШНИНГИЗГА БАҲО БЕРА ОЛАСИЗМИ?
- ДЕЛ — МУҚАДДАС ЗОТ
- ЭРТАНГИ КҮН ҚАНДАЙ БУЛАДИ?

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- АФРОСИЕБДА ЯНА БАҲОР
- ВАҚТ ЎЛЧОВ БИРЛИГИНИ БИЛАСИЗМИ?
- ҚИММАТГА ТУШГАН ДИЛ ИЗҲОРИ
- ФАҚАТ СУЗНИ ЙУҚОТИБ ҚУЙМАЙ...
- ФАРОИЙ ҲОДИСАЛАР ГҲВОҲИ



ЯНГИЛИКДАН ХАБАРНИГИЗ БОРМИ!

Ҳисоб-китобни ЭХМ бажаради

Бош мутахассислар ўзлари бошқарадиган алоқа йўналишларида алоқа техникасидан унумли фойдаланишдан ташқари, кўрсатилган ҳамма хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини ошириб боришлари керак. Бугунги иқтисодий инқирозни бошимиздан кечириётган кунларда бу соҳанинг нақадар зарурлигини англаялмиз. Энди ҳар биримиз қандай қилиб кўпроқ фойда олиш, ҳар бир сўмини тежаш ва ҳар бир сўмини қадрсизланишдан сақлаш борасида, бош қотирмоғимиз шарт.

Жумҳуриятимиз алоқа тармоқларида хориждан келтирилган замонавий ЭХМнинг намуналари пайдо бўляпти. Замонавий техникасиз микроларга сифатли хизмат кўрсатиш, тез ва қисқа муддатларда телефон орқали кўрсатилган хизмат учун ҳисоб-китоб қилиш имкониятлари унчалик кенг эмас. Бу борада Навоий вилоят давлат алоқа ишлаб чиқариш корхонасида шахсий компьютерлар асосида кўп терминалли шохобча 1990 йилнинг январь ойидан бошлаб ишлаб келмоқда.

Бу автоматик тармоқни жорий қилишда шахсий компьютерлар асос қилиб олинган. Шаҳарларда телефон сўзлашувига автоматик ҳисоб-китоб қилиш, статик ахборотга ишлов бериш, шаҳарларга телефон сўзлашувларига тўлов қоғозларини чоп қилиш, абонент тармоқларининг техника ҳолати ҳақидаги ахборотга тезкор ишлов бериш, сўров хизмати учун телефонлар номери ҳақида сўровларга автоматик қидирув жавобларини таъминлаш, шаҳар алоқа тармоқлари иншоотларини рўйхатдан ўтказиш, маълумотларни ҳисобга олиш ва уларни назорат қилиш, шаҳар алоқа тармоғи миқозлари билан телефонда кўрсатилган ҳамма хизматлар учун бўнак (аванс) асосида ҳисоб-китоб йўлига ўтишни таъминлашни ушбу тармоқ ўз зиммасига олади.

Шохобча ягона маълумот базасига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчига хизмат кўрсатади: — Марказий тўзатиш муассасаси;

— Буюртма қоғозларни киритиш бўлими;

— Техник ҳисобга олиш бўлими;

— Ҳисоб-китоб бўлими;

— Сўров хизмати ва ҳоказолар.

Ой давомида компьютерга телеграмма, маълумотлар ва ўзгаришлар киритиб борилади. Ой тугаши олдидан ҳисоблаш дастури ишга туширилади. Компьютер ҳисоблаб бўлгандан сўнг ойнинг охирида қуйидаги ҳужжатларни олиш мумкин:

— Абонентларга юбориладиган тўлов қоғози;

— Ташкилотлар учун тўлов қоғози;

— Қардорлар рўйхати;

— Киримлар рўйхати;

— Телефон орқали кўрсатилган хизматларнинг рўйхати;

— Абонентлар рўйхати;

— Учрилиши керак бўлган телефонлар рўйхати ва ҳоказолар.

Агар сизни ушбу соҳадаги баъзи бир саволлар қизиқтирса, ҚУНҒИРОҚ ҚИЛИНГ. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: НАВОИЙ ШАҲРИ, ХАЛҚЛАР ДЎСТИЛИГИ ШОҲ КЎЧАСИ, 3-А УЙ. ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИНИНГ ТЕЛЕФОНИ: 3-00-17.

Сайдиёр ОТАМУРОДОВ, Навоий вилояти давлат электроалоқа корхонасининг дастурловчи муҳандиси.

Утган йилнинг охирида хизмат сафари билан олис Тожикистоннинг Адрасмон тоғида бўлди. Юқсак тизмалар орасидаги бу масканда Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларини, Фарғона водийси ва қўшни жумҳуриятлар билан боғлайдиган алоқа станцияси борлигини кўпчилик билмас керак. Денгиз сатҳидан икки ярим минг метрча баландликда жойлашган алоқа узатиш майдонига фуқаро авиацияси вертолёти Тошкентдан чорак кам бир соатда етиб борса-да, юқсак тоғлар тепасидан аҳоли яшаш жойлари оддий кўз билан кўринмагани учун бепоён ва кимсиз бир маконга тушиб қолгандек бўласиз.

Иқтисодий жиҳатдан юқсак суръатлар билан ривожланмоқда. Олимнинг айтишича, кичик буртда ҳозир одамлар эҳтиёжи учун зарурий моллар шунчалик тўлиб-тошгани, бундайин тўқислик бизнинг тушимизга ҳам кирмаган. Бир сўз билан айтганда, яшаш даражаси жуда юқори. Аммо таажжубланарлики шундаки, бу ерларда ҳам турна қатор бўлиб навбатга турган одамлар бор экан. Бироқ улар худди биздагидек бирон бир нарса сотиб олишга эмас, балки бир неча ўриндиқлар қўйилган суҳбатгоҳда ўтириб... ҳангома қилиш учун навбатга туришар экан!

— Одам оёғи тегиши қийин бўлган бу ерларда

дида яна бир қийинчилик туради. У ҳам бўлса (масалан, Адрасмондаги алоқа станциясида) уларнинг руҳий кўникувчанлик муаммосидир. Тасавву қилишимиз мушкул-у, аммо ходимларнинг руҳан мослашувчанлигини вужудга келтириш соҳамиздаги асосий ишлаб чиқариш муаммосига айланмоқда. Биз станциядаги иш давомида ақли, қобилияти, руҳияти бир-бирига мос алоқачиларни тоғлардаги алоқа манзилларига юборишга ҳаракат қилишимиз. Шунингдек, баъзи станцияларга малакаси алоқага дахлдор бўлган «оилавий» экипажларни (албатта, уларнинг розилиги ва хоҳиши билан) жўнатмоқдамиз.



КАРЛАР ТЕЛЕФОНИ

Швеция почта ва телефон алоқаси раҳбариятининг хабар қилишича, мамлакатда карлар учун махсус телефон қўрилмалари ишланган. У одатдаги телефон аппаратида иборат бўлиб, унга пианинодаги каби бармоқ билан босиладиган тугмалар тахтача ва «суҳбат»ни ўқий оладиган кичик экран ўрнатилган.

Узаро сўзлашув клавишлар ёрдамида амалга оширилиб, суҳбат экранда кўринаверади.

Мамлакатда карлар учун яна бошқа хил телефон аппарати ишлаб чиқарилди. Бунда сўзлашув магнитофон пленкасига ёзилиб, кейин товуш сигналлари электрон аппарат ёрдамида автоматик равишда босма матнга айланади.

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Дастлабки пайтларда темир йўлдан ҳаддан ташқари эҳтиётлик билан фойдаланишган. Вагонларда чекниш мултола таъқиқланган эди.

Поездда почта юбормаларини ташинида айниқса ҳушёрлик кўрсатилган. Бунинг учун почта поездини темир йўлнинг ҳар икки томонида отлиқ жандармлар кузатиб боришган.

АДРАСМОНЛИК ФИДОЙИЛАР

...Мазкур станцияда хизмат қилиш учун ҳар икки ойда икки нафар алоқачи Адрасмон тоғининг энг тепасига элтилиб, керакли озуқа билан қолдирилади. Уларнинг навбатчиликти турган ҳаммаслари шаҳарга қайтади. Икки ой узлуксиз ишлаш, бундай олганда хизматчилик, яна бир томондан кимнингдир бурчи ҳисобланади.

— Мен бу манзилга биринчи маротаба келаётганим йўқ, — дейди навбатчи Владимир Александрович Мушкин. — Шу муддат ичиде одам гала-говур ҳаётдан озроқ халос бўлади. Аммо бир неча кун ўтиши билан оиламизни, ёр-дўстларини, кейинчалик эса ҳар қандай одам билан оддийгина суҳбат қуришни хоҳлаб қола-сиз.

Шу ўринда москвалик бир профессор танишимнинг гапларини эсладим. Бу киши бир неча йил муқаддам чет эл сафарига чиқди. Навбатдаги хорижий манзили Сингапур давлати эди. Маълумки, кейинги пайтларда жажжигина бу давлат

яшашнинг қийинчилиги ҳам шунда, — сўзида давом этади Владимир Александрович. — Бир-икки кун ичиде суҳбатдошнинг ҳар қанча гапдон бўлмасин, барибир зерикиб қоласиз. Яна ўша тўполон ҳаётни, шаҳарнинг гавжум кўчаларини соғина-сиз.

...Хемингуэй «Чол ва денгиз»ни ёзганлиги учун Нобель мукофотиغا сазовор бўлган эди. Одатда бундай юқсак мукофотга инсоният олдида турган йирик гоъларни акс эттира олган ижодкорлар сазовор бўлади. «Чол ва денгиз»да ёзувчи шундай гоъни кўтариб чиқа олган эди. Унинг асл мазмуни ҳам оддий: инсон жамиятсиз яшай олмайди!

— Узоқ манзиллардан туриб муттасил масъулиятли топириқларни бажарувчи алоқачиларимиз хизматининг сифати, асосан, ана шу «уз-ла»даги ҳаётга қўниқига боғлиқ, — дейди телекўрсатувлар ва радиозиттириш ишлаб чиқариш бirlамаси бош муҳандиси Вячеслав Яковлевич Кремер. — Узоқ вақт бир манзилда хизмат қилувчи алоқачиларимиз ол-

— Бунинг учун мутасадди раҳбарларимиздан миннатдоримиз, — дея алоқачи Владимир Мушкин суҳбатни давом эттирди. — Ҳозирги танлаган шеригим В. Ромасенко иқтидорли муҳандис, аниқ фанларга, фалсафага қизиқади. Физика бўйича олий малакага эга. Мен ҳам ўтган галги навбатчилик тажрибамга таяниб, бўш вақтларимда тўзатиш ва кўриб туриш учун бир бузуқ телевизор, керакли пайтда шугулланиш учун минший ЭХМ олволганман. Ҳар қалай, зерикмасак керак.

Хизмат жуда чарчатганда баъзан ўйга толаман: фақат ўзим учун тирикчилик қилмайман-ку, олис-қиндаги барча аҳоли алоқа хизматидан фойдаланмоқда, телекўрсатув ва радиозиттиришлардан баҳраманд бўлмоқда. Одамлар алоқа хизматидеги эҳтиёжлар нима-лар эвазига қондирилайтган-нидан кўпича бебаҳардирлар. Ягона орузимиз — ми-жозлар алоқачилар хизматидан мамнун бўлса...

Ф. МАМАРАСУЛОВ

ТЕЛЕФОН ҚУРИЛМАСИ ИХТИРОЧИСИ

Техник алоқа воситаларининг мукаммаллашуви телефондан бошланган эди. 1888 йилнинг 14 апрель кунини Николаевск темир йўлининг Петербург вокзалидан йўлга тушган поезд вагонларидан бирида махсус комиссия борарди. Унинг аъзоларига ихтирочи Павел Голубицкий яратган жажжи «телефон» қурилмасини синовдан ўтказилишига ҳакамлик қилиш топширилган эди.

Эртасига «Новое время» газетасида бу янгилик шундай ёритилди: «Мақсад ишталган станцияда туриб бошқа станциялар билан гаплашиш ёки шошилинч хабарни етказиш имкониятини текшириш эди... Вагондаги аппаратнинг узатиқларидан бири ерга уланди, бошқаси эса темир йўл телеграф сими»га туташтирилди ва алоқа ўрнатилди... Гаплашиш учун овозни баландла-тиш шарт бўлмади, товуш жуда тиниқ эшитилди».

Тўғри, ўша вақтда Россиянинг барча йирик шаҳарлари америкалик Александр Белл деган шахсга қарашли «Нью-ингленд» телефон компания» фирмаси томонидан телефонлаштирилган эди. Бироқ фирма хизмати ўзини оқламади, чунки унинг телефонлари ўн километрдан ортиқ масофага қўнироқ

қилолмас. Голубицкий ясаган телефон эса Париж — Нанси оралиғида 353 километрлик масофани «туташтириб» турарди...

1870 йили Петербург университетининг физика-математика бўлимини тугатган П. Голубицкий Тару шаҳри яқинидаги Почуево қишлоғида жойлашиб, Россияда биринчи бўлиб телефон аппаратлар ясайдиган устхона очди. Устхонада ясалган телефонлар теъда доврўқ қозонди, улар ҳатто чет элларга сотилди, аммо Голубицкийнинг хизматлари етарли қадрланмади. Унинг муъжазгина корхонаси таназул даражасига бориб қолди. Охир-оқибат 1892 йилнинг 16 мартида номаълум кимсалар устхонага ўт қўйиб юборишди.

Ихтирочи П. Голубицкийнинг алоқа бобидаги талайгина кашфиётлари, қўпдан-қўп гоълари кейинги авлодга мерос бўлиб қолди. Ҳозирги телефон трубкалари, гарчи кўриниши жиҳатиде хилма-хил бўлса-да, уларнинг ишлаш тартиби ихти-рочи яратган ва патент олган трубкадан фарқ қил-майди.

А. АЛИЕВ



«Навбатчи эшитади»... Сураткаш А. ТҶРАЕВ

ТАҚДИР ТАРОЗУГА ТОРТАР...

Ешлик — севги фасли деганлари рости. Ҳақиқатан ҳам, Ҳар бир инсоннинг муҳаббат қиссаси бўлади. У бир умр хотиралар дафтарига ёзилиб қолади.

— Бирор сабаб бўлмаса одамку, ҳатто хас ҳам жойидан жилмайди,— дея сўз бошлайди Давронбек.— Ҳақиқатан ҳам, Ҳар бир инсоннинг муҳаббат қиссаси бўлади. У бир умр хотиралар дафтарига ёзилиб қолади.

— Танишиш оғир кечмадими?— деб сўрайман Муқаддасдан.

— Йўқ,— дейди у қувноқ оҳангда.— Мен Хоразм вилоятининг Гурлан ноҳиясиданман. Даврон акам ҳам шу жойдан экан. Тақдир қўшни қишлоқлик бу йангит билан Тошкентда учрашди.

Баъзан шундай бўлади, қувончдан вужудингга сиғмайсан. Баъзида қайғудан, аламдан қайғулар қочиб кетгини келади. Турмуш ташвишлари қўйиб берсанг ўз йўригига юргизаверасан. Нафсингга қўл бўлсанг, қоридан ўзга гаминг бўлмаса, ерга мункиб кетаверасан. Эгуликни, қурашчанликни дўст тутсанг, адолат сен тарафда. Илм-фан, айниқса, алоқа илми танбалликни ёқтирмайди. Ҳақиқатан ҳам, Ҳар бир инсоннинг муҳаббат қиссаси бўлади. У бир умр хотиралар дафтарига ёзилиб қолади.

Алоқа хизматиди миллий кадрлар камлиги барчага аён. Бунинг сабаблари кўп. Аввало, мактабларимизда ўқи-

тиш гоётда оқсаган. Физика, кимё, жуғрофия каби табиий фанлар бўйича етарли билим берилмайди. Иккинчидан, олийгоҳларга қабул қилиш тизими таномиллашмаган. Таниш-билишчилик, порахўрлик саводсиз талабалар сонининг кўпайишига сабаб бўлаётир. Учинчидан, ўқитилаётган дарсликларни рус тилида тузилган мавжуд миллий кадрларни ўзга тилда илм ўрганишларига қийинчилик тулдирди. Тўртинчидан, олий маълумотли мутахассислар жой-жойга қўйилмайди...

Бу ҳусусда бўлғуси алоқачилар билан узоқ суҳбатлашдик.

— Гапларингизда жон бор,— дейди Давронбек.— Бизда назария билан амалиёт ўртасида хитой девори ўрнатилганга ўхшайди. Ҳақиқатан ҳам, Ҳар бир инсоннинг муҳаббат қиссаси бўлади. У бир умр хотиралар дафтарига ёзилиб қолади.

— Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Сабаблари кўп. Биринчидан, кўпчилик талабалар олийгоҳга зўрма-зўра-

ки, ҳавас-иштиёқсиз, номига ўқиш учун киришади. Оқибатда бир илож қилиб бўлса-да ўқиб, ҳужжатни қўлга олсалар бўлди. Иккинчидан, назарий билимларни амалда синаб кўриш учун имконият яратилмаган. Жавобгарлик туйғусини ҳар бир киши дилдан ҳис қилса яхши бўларди.

Давронбек Матқубов — кўптармоқли электр алоқаси. Муқаддас Тўлнева эса автоматик электр алоқаси куллиётининг 4-босқич талабалари. Улар имтиҳон ва синавларга бирга тайёрланишди. Бир-бирларига ўргатишади, ҳамкасб сифатида фикр алмашишади.

— Муқаддас, ўзбек қизлари физика, кимё каби фанларни яхши ўзлаштира олмайди, деган гап юради. Шу фикр тўғрими?

— Бу фикрга сира қўшилиб бўлмайди. Ҳарис қизлари ўқиган, билган фани нега ўзбек қизлари ўзлаштиролмади? Мумкин, бунинг учун етарли шароит, озорқоқ диққат-эътибор, ўқиш керак бўлади. Тўғри, ҳеч ким ўзини айбдор санамайди. Лекин баъзи талабаларнинг дарсларни билиш-билмаслиги кўп томондан ўқитувчиларга боғлиқ-ку!

— Муқтадил Ўзбекистонда алоқа хизматининг кўнгилдагидек бўлиши учун ҳали кўп ишлар қилиш лозим. Ҳақиқатан ҳам, Ҳар бир инсоннинг муҳаббат қиссаси бўлади. У бир умр хотиралар дафтарига ёзилиб қолади.

— Биз айни вақтда янги, замонавий алоқа техникаси жиҳозларини ишла-тиш сирларини ўрганишимиз. Ҳақиқатан ҳам, Ҳар бир инсоннинг муҳаббат қиссаси бўлади. У бир умр хотиралар дафтарига ёзилиб қолади.

Юсуф РАСУЛ

ПРЕЗИДЕНТ АЛОҚАСИЗ ҚОЛАДИ

Эквадорнинг давлат телефон компанияси маҳаллий газеталар орқали 30 дан ортиқ вазирликлар ва муассасаларнинг хизмат телефони ўзиб қўйилишини эълон қилди. Бунинг сабаби шунки, кейинги вақтда улар телефондан фойдалангани учун ўз вақтида ҳақ тўлашмапти. Ҳисоб-ки-тобларга қараганда давлат хизмати идораларининг қарзи 600 минг доллардан ҳам ошиб кетган.

Сим орқали олоқадан маҳрум бўлиши мумкин бўлганлар рўйхатининг бошида мамлакат президенти девони турибди. Ундан сўнг жой олган ташқи ишлар ва молия вазирлиги маҳкамалари ҳам қарздор бўлишгани учун тез орада телефонсиз қолиши ҳеч гап эмас.

ТЕЗКОР АЛОҚА САМАРАСИ

Олмаотадаги «Алекс» фирмасининг вакили Владимир Жемчугин Нижний Тагилда ҳаракат қилаётган «Спринг сетъ» алоқа тармоқининг биринчи мижози бўлди. У Россия Алоқа вазирлиги тизмига кирувчи «Спринг интернэшил» ва «Марказий телеграф» ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бунёд этилган бўлиб, Муқтадил Давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар билан тезкор алоқа ўрнатишга хизмат қилади.

Бу воқеа Урал ҳудудига ўзига хос янгиликдир. Бундай хизмат воситасининг ишга тушиши босқ Россиянинг санат минтақасидаги ишбилармонлар на фақат МДҲ, ҳатто ер кўррасининг турли бурчақларидаги ҳамкасблари билан бир зумда алоқа ўрнатиш имконига эга бўлиши. Маълумотлар жамланган тармоққа йўл очилгани, халқроқ телекс ва факс алоқасининг ўрнатилиши ўз-ўзидан минтақанинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади.

24 соат мобайнида ишбилармонларни қизиқтирган саволларга сим орқали жавоб топилгани бу хизматга бўлган қизиқишни кучайтирмақда. Дастлабки иш кўнмеги Австралиядаги ишбилармонлар билан санокли дақиқаларда қилиниб, ҳар икки томонни қизиқтирган саволларга жавоб топилди. Илгари бундай ҳамкорлик учун ҳафта керак бўларди.



Баҳор ёмғири

Сураткаш С. МАҲКАМОВ

БИЛАСИЗМИ?

Лимон кислотаси жуда кўп ўсимликларнинг таркибида учрайди. Олимлардан Шайерернинг ҳисоби-

га кўра, 1934 йилдаёқ 240 та ўсимликда лимон кислотаси борлиги аниқланган. Бу модда жав-

дар, бўғдой, нўхат, пиёз, ўрик, узум ва шу каби ўсимликларда кўпроқ учрайди.

Жуда кўп жуғрофий жойларнинг номилари туз билан боғланган. Масалан, Россиядаги Сольци, Германия ва Австриядаги Галле,

Зальцбург, Лотарингиядаги Сейлетань («Сейль» — туз), Франциядаги Марсель («ден-гиз тузи»), Ҳиндистондаги Лаванапутра («туз шаҳри»), Қозғистондаги Экибастуз шулар жумласидан.

ПОЧТА ХИЗМАТИ БҲИИЧА:

Бир донга оддий почта карточкасини жўнатиш учун 75 тийин, буюртмалар бўлганда 1 сўм 75 тийин тўланади. Оғирлиги 20 граммгача бўлган оддий хат жўнатиш 1 сўм, шу оғирликдаги буюртмалар хатга 1 сўм 90 тийин, бирор қийматга эга бўлса 7 сўм хизмат ҳақи олинади.

ШОШИЛИНЧНОМАЛАР БҲИИЧА:

Агар у оддий бўлса ҳар бир сўз учун 3 сўм тўланади. Шошилинома худлик билан етказилиши зарур бўлса, у тақдирда ҳар бир сўз учун 11 сўмдан хизмат ҳақи олинади.

ШАҲАРЛАРАРО СЎЗЛАШУВ БҲИИЧА:

Жумҳурият ҳудудидagi масофаси 300 километргача бўлган сўзлашувларнинг ҳар бир дақиқасига 10 сўм, ундан ортиқ бўлса— 16 сўм тў-

Янги тарифлар жорий этилди

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг буйруғига кўра жумҳурият ҳудудида аҳолига почта, телефон-телеграф хизмати кўрсатиш борасида

янги тарифлар жорий этилди. Жумладан, корхоналар, муассаса, ташкилотлар учун қуйидаги хизмат ҳақи белгиланди.

ланади. Шунингдек, махсус сўзлашув, телекўрсатув ва радиоэшитиришга ажратилган каналлар учун янги хизмат ҳақи жорий этилган. 1993 йилнинг 1 чораги якулари бўйича бу тарифлар яна қайта кўриб чиқилиши мумкин.

АҲОЛИГА ПОЧТА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ БҲИИЧА:

Оғирлиги 20 грамм бўлган бир донга хатни жўнатиш учун оддий бўлса 10, буюртмалар бўлса 14 сўм ҳақ олинади. Ер усти транспорт билан 600 километр масофага жўнатиладиган ҳар

500 граммли юбортма учун 20 сўм, агар масофа 800 километрдан ошса — 55 сўм хизмат ҳақи олинади. Агар ҳаво йўли орқали жўнатиб, 600 километргача ҳар 500 грамм юк учун 40 сўм, 800 километрдан ортиқ бўлса 102 сўм тўланади. Юкни сақлаб бергани учун юбориладиган ҳар бир сўм ҳисобига 20 тийиндан устама олинади.

Жўнатилаётган пулди юбортмаларнинг ҳар бир сўми учун 16 тийин ҳақ тўланади. Шошилич юбориладиган пулларга ҳам алоҳида тарифлар жорий қи-

линган. Оддий хатларга ҳозирча эски тариф сақлаб қолинган.

ШОШИЛИНЧНОМАЛАР БҲИИЧА:

Бу борада фақат топширилганини тасдиқлаш сўралган шошиличномаларга янги тариф жорий этилди. Масалан, оддий шошиличнома эгасига шахсан топширилганини хабар бериш учун 22 сўм, тезкор бўлса 45 сўм тўланади.

ШАҲАРЛАРАРО СЎЗЛАШУВ БҲИИЧА:

Жумҳурият ҳудудида масофаси 300 километргача бўлган сўзлашувнинг ҳар

дақиқаси учун 5 сўм, ундан ошса 8 сўм тўланади. Ўзбекистондан ташқарига бўлган буюртмалар масофаси 1200 километргача бўлса 10 сўм, 1201 километрдан 3000 километргача 12 сўм, 3001 километрдан 4000 километргача 15 сўм, 4000 километрдан ошса 20 сўм хизмат ҳақи олинади.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДАГИ ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ БҲИИЧА:

Тасофонлардаги 3 дақиқали сўзлашув 5 сўм туради.

Улуғ Ватан уруши ногиронларидан телефон ўрнатиш ҳақи олинмайди.

УЙ ТЕЛЕФОНИЧАН ФОЙДАЛАНГАН УЧУН ТўЛАНГАН ХИЗМАТ ҲАҚИ ЎГАРИНИШИ ҚОЛТИРИЛДИ.

РАДИО НУҚТАЛАРИ
БҲИИЧА:
Пил лавоимга бир радио нуқтасидан фойдаланигани учун 120 сўм тўланади.

Исмоил ТУЛАК

• Туйғулар тугёни

Keyinligiz Maffzullarfta Kuyzlab Tutshakti Maff



Кутлуг манзилларни кўзлаб чиққанман.
«Кайтиш йўқ бу йўлда. Фақат олға бос».
Бу гап боболардан ёлғиз бир мерос.
Тушмаскан қаддамни қадамларга мос,
менга бу йўллар берк, манзил беркдир,
бас...

Супургимас, созин созлаб чиққанман,
Кутлуг манзилларни кўзлаб чиққанман.
Дунёда тенгсиз куч, халқим, қаҳрингдир,
Топганим қаҳрингмас, меҳри баҳрингдир,
Қалбимнинг дармони сўзинг—яхрингдир,
Интилган ошёнин ташқо бағрингдир.
Эзгу ҳисларингизни бўзлаб чиққанман,
Кутлуг манзилларни кўзлаб чиққанман.

БИР ФИТНАГАРГА

Яшардим кўксимда қалб-дардим билан,
дилимини англаган эл-мардим билан,
бир оз мағрур тилим, тик қаддим билан,
йўлимини нурафшон этгайди Тилак.
Тилагим қўшлари минг тилим бўлди,
бу не ҳол, бу не сир, не тилим бўлди?
Кўзимда ашқларим, оҳ, сим-сим бўлди.
Қалбим фитналардан минг қўли элак.
Бу қандоқ тухмату қандоқ маломат,
яна нималарни қилиб «каромат»,
айланмоқчи бўлдинг мени ҳам форат,
эй, фиқсу фуруждан туралган туллак?
Сендаги муддао, сендаги орау:
узгалар ошига ташламоқ оғу.
Бу ёруғ оламда ниятим ушбу:
Ҳақнинг лашкарлари кўлайсин лак-лак.
Мана шу йўл менинг—армоним йўли.

Мана шу йўл менинг — имконим йўли.
Мана шу йўл менинг—иймоним йўли.
Мана шу йўл менинг. Сеинки бўлак.
Тухматлар дорини тиксанг йўлимга,
фитна занжирини илсанг қўлимга,
қўрқмасман. Тик боқиб турган ўлимга,
мен бир ғариб шоир — Исмоил Тулак.

Ойгё оқдим, ойларга
боқдим,
Ой чўмилган сойларга
боқдим.
Сой тубнида ётган тош
экан,
Билолмадим қайларга
отдим.
Ойга боқдим, ойларга
боқдим,
Тоҳир каби сойларда
оқдим.
Қай соҳилга отди
гўлдинлар,
Ой чиқмади, кун каби
ботдим.
Ойдек бўлиб чиқсанг
нетарди,
Кундек кулиб чиқсанг
нетарди.
Бахтдек тўлиб чиқсанг
нетарди.
Етишганлар каби бу
юррак,
Елғиз сени куйлаб
ўтарди.
Ойга боқдим, ойларга
боқдим,

Ой чўмилган сойларга
боқдим.
Узга оининг кўксинда охир
Муҳаббатим ўтларин
ёқдим.
Ойга боқдим, ойларга
боқдим...

ҚАРАШ

Ачингандек бўлиб ҳолимга
ер остидан боқди-ю пийҳон
мийнига илжайиб қўйди.
Нитгоҳдаги ул совуқ яшин
вужудини олди-ю қамраб
юрагининг кўзини ўйди.
Алангага аста чулғандим.
Енаяммай...
Фикр—кул...
Юрак — кул...
У эса музлаган қалбни
иситмоқ бўлгандек
бемалол
алангага чўзар эди қўл...

Ўтиб юртнинг қанча бекатларидан,
ис олиб қирларнинг кўнатларидан,
завқланиб тонгларнинг эртақларидан,
тутиб устозларнинг этакларидан,
туркона лисонда сўзлаб чиққанман,
кутлуг манзилларни кўзлаб чиққанман.

Пана-паналарда турган эй ғаддор,
фиқсу фасодингдан юрагим абор,
айтилд. гафирликдан сенга не наф бор?
Карвонман. Ҳуришиг барн бир бекор.
Ғаниммас, содиқ дўст излаб чиққанман,

БИР ИХТИРО ТАРИХИДАН

Овозин ёзиб олиб, уни қайта эшиттирадиган биринчи аппаратни америкалик машҳур ихтирочи Томас Алва Эдисон яратган. Бу жуда содда асбоб бўлиб, фонограф, яъни овоз ёзиб олувчи аппарат деб аталарди.

«Мен кўп машиналарини ихтиро қилдим, — деган эди Эдисон, — аммо фонограф энг севган ихтирождир». 1878 йили «Нива» деган рус журнади бундай деб ёзган эди: «Ҳа, чиндан ҳам бу ихтиро истиқболди катта, инсон энди шунчалик қудратлики, истаган вақтда товушини моддий нарсага айлантириши, кўриши, сезиши мумкин».

1889 йили Парижда жаҳон кўрғазмаси бўлиб ўтди. АҚШ павильони экспонатлари орасида ҳар хил моделдаги 45 та фонограф кўчиликнинг диққатини жалб

қилди. Кўрғазмага таклиф қилинган Эдисоннинг шоир-шуҳрати янада ошиб кетди. Машҳур муҳандис Эйфель ўзи қўрган машҳур миноранинг энг тепасида фонограф ихтирочисини учун таънанали зиннат берди.
Осмоиунар бу минорадан америкалик меҳмонни Франциянинг машҳур микробиолог олими Луи Пастер табриклади, кексайиб қолган атоқли француз бастакори Шарль Гуно Эдисон шарафига улдуғвор руҳдаги кайтатасини ижро этди.

Маълумки, Эдисон мустақил ихтироларидан ташқари, Белл телефони, кўмирлик микрофони, машиналарни тақомиллаштиришга ҳам кўп куч ва вақт сарфлади. Унинг таклифи билан турмушга ва ишлаб чиқаришга жорий қилинган юзларча техник моллашаларни санаб чиқиш қийин.



Р. ШАРИПОВ фотолаҳзаси

• Тезкор савол—жавоблар

СИЗ ЯХШИ ҚЎШНИМИСИЗ?

Куйидаги тест саволларига жавоб берсангиз, қандай қўшни эканингизни аниқлайсиз.

1. Қўшнилариңизга мурожаат қиласизми?
— тез-тез — 5
— баъзан — 3
— ҳеч қачон — ёки деярли ҳеч қачон — 1
2. Қўшнилариңиздан, зйтайлик, қанд, нон сўраб турасизми?
— тез-тез — 5
— баъзан — 3
— ҳеч қачон — 1
3. Қўшнингизнинг болалари уйиңиз кўнгиригини ўйнаб чалишса нима қиласиз?
— яхшилаб сўқасиз — 1
— ота-оналарига айтасиз — 5
— жавраб-жавраб қўясиз, аммо кечирасиз — 3
4. Сиз нима деб ўйлайсиз, қўшнилариңиз:
— ҳар доим ёрдам беришга тайёр, одамшаванда, яхши одамларми — 5
— ёрдам беришга тайёр, аммо унчалик яхши одамлар эмас — 3
— уларни одамшаванда ҳам, яхши одамлар ҳам деб бўлмайди — 1
5. Кечки пайт уйиңизда шовқин-суронли, қувноқ ўтириш бўлди. Қўшнилариңиз бундан норози бўлишди. Сиз нима қилардиңиз?
— улардан кечирим сўраб, меҳмонларнигизни тинчлатирмоқчи бўласиз — 5
— қўшнилариңизга «уй ўзимники, нима қилишим билан сизларнинг ишиңиз бўлмасин», дейсиз — 1
— ўтиришга қўшнилариңизни ҳам таклиф қиласиз — 3
6. Янги уйга қўшнилар кўчиб келишди:
— сиз дарҳол улар билан танишиб, ёрдамга тайёр эканигиңизни билдирасиз — 5
— улар янги жойга ўрнашиб олишгандан кейингина ёрдамнигизни таклиф қиласиз, меҳмонга айтасиз — 3
— биринчи қодамни улар қўйишини кутасиз — 1
7. Қўшнилариңиз янги автомобиль сотиб олишди. Сиз:
— уларнинг қувончига ше-

- рик бўласиз — 3
— ҳасад қиласиз — 1
— улардан машинани қандай қилиб сотиб олганини сурштирасиз — 5
8. Гийбат қилишни ёқтирасизми?
— ҳа, ҳамма вақт — 5
— баъзан, аммо ёмон ниятларсиз — 3
— йўқ — 1
9. Номаълум одам қўшни аёликига келди. Сиз аёлининг эри хизмат сафаридан эканидан хабардорсиз:
— номаълум киши кетгач, унинг кимлигини аниқлашга ҳаракат қиласиз — 5
— сиз юз бериши мумкин бўлган ёмон ҳолини тасаввур қиласиз — 1
— эътибор бермайсиз — 3
10. Қўшнилариңиз дам олишга кетишавтиб сиздан уйига (итига, мушугига ва х. а.) қараб туришни илтимос қилса:
— дарҳол рози бўласиз — 5 очко
— бирон баҳона топиб, рад жавобини берасиз — 3
— дарҳол рад жавобини берасиз — 1
11. Қўшнингизнинг қизини уйланган эркек билан ёхуд унга жуфт бўлиши мумкин бўлмаган кишилар билан кўрсангиз:
— қизнинг онасига хабар берасиз — 5
— қизга бу тўғрида тушунтирасиз — 3
— лоқайд қарайсиз — 1
12. Қўшнингизнинг уйига миршаб кирганини кўриб:
— сиз ҳам ташриф буюрасиз — 5
— миршаб кетиши билан кирасиз — 3
— кўл силтаб қўя қоласиз — 1
13. Сизнингча:
— қўшнилариңиздан кўра сиз яхшисиз — 1
— обрўлироқсиз — 5
— қўшнилариңиз билан ўзингизни таққосламайсиз — 3
14. Қўшнилариңиз — ёшлар:
— ҳар қандай вазиятда

уларга маслаҳат беришга ҳаракат қиласиз — 5
— маданият билан, жонга теғмасдан уларга ёрдам беришга интиласиз — 3
— улар ўзлари тажриба тўплаб, бировнинг ёрдамсиз оилави ҳаётини тартибга солиши тарафдорсиз — 1
- 15. Қўшнилариңиз янги мебель сотиб олишди. Сизга арзон баҳода ўзларининг эскироқ мебелларини беришмоқчи:
— сиз таъсирланасиз, аммо бунин билдирмайсиз — 3 очко
— ҳеч нарса сотиб олмагансиз ҳам улар сиз тўғридаги ўйланганлари учун хурсанд бўласиз — 5
— сиз таъсирланганиңизни яширмайсиз — 1
- НАТИЖА 58 очкодан ошса, қўшнилариңизга ёрдам беришга тайёрсиз ва уларнинг ҳар қандай илтимосига жавоб берасиз, шунингдек, ҳеч ким сизнинг ёрдамнигизни сўрамаган бўлса ҳам (бирок эзмалик билан) кўмаклашмоқчи бўласиз. Жуда қизиқсонсиз ва гийбат қилишни ёқтирасиз.
- 57 дан 32 очкогача — Сиз одамоҳун, бошқаларни ҳурмат қилувчи кишисиз. Вазиятга қараб иш кўрасиз: агар қўшнилариңиз сиз билан муомала қилаётган бўлса, сиз ҳам ўз таъсирингизни уларга ўтказишга ҳаракат қилмайсиз. Ҳамсоилариңиз ҳаётига қизиқасиз, аммо сизнинг ҳаракатиңизда маданият ва илқлик бор. Ҳамма нарсаини билиб олишга ҳаракат қилмайсиз. Керек бўлса беминнат ёрдам қилишга қодирсиз.
- 31 ва ундан кам очко. Эҳтимол, сизнинг ташки дунёдан алоқаси бутунлай узилган уйда яшаганиңиз яхшидир. Сизга қўшнилар керак эмас (албатта агар сиз улар билан мулоқот қилишни истамасангиз). Мабодо қўшнилар билан учрашиб қолсангиз ҳам уларнинг фақат камчиликларига эътибор берасиз.

Фазилдин УМАРОВ тайёрлаган

● ИСЛОМ МАЪРИФАТИ

РУҲ—УЛУҒ ҲОДИСА

Ҳурматли таҳририят жамоаси! «Ислол маърифати» деб номланган янги руни очиб, керакли диний тарбия бераётганингиз учун сизлардан беҳад мамнунмиз. Кейинги сонларда исломнинг илм, фан, вужуд ва руҳга муносабати ҳақида ҳам мақолалар бериб борсангиз айни муддао бўлур эди. Қароматулла НАРЗУЛЛО ўғли, Тошкент шаҳри.

Бир кун Расулulloҳ саллаллоху алайҳи васаллам бир сабаб билан айтган эдилар: «Саяд ибн Муоз оламдан ўтган кун Оллоҳнинг арши ларзага келди — нечуқонийнинг пок баданидан чиққан пок руҳи арши аълога кўтарилган эди». Бу фикр бежиз айтилмаган. Ислол таълимотига кўра вужудга бош згган одам тубанликка қўлайди. Чунки вужудга маҳкумлик кишини Оллоҳга ибодатдан чалгитади. Пок руҳ эса ўзининг ақл манбаи — тангри даргоҳига тинимсиз равишда интилиб, кишини покликка чорлайди. Руҳ қамолоти учун яшаб, тоат-ибадатни қанда қилмайдиган кишининг мурооди ҳосил бўлади. Муҳаммад ал-Ғаззолий бу ҳақда шундай деб ёзган эдилар: «Эй, фарзанд, руҳингизга ҳиммат қил, нафсингизга сиқиллик бағишла ва танинг ҳоқимлигини маъна эт, ўлдир! Руҳ— улуг ҳодисаним, у фақат яхши амалларни хоҳлайди, биллоҳ яхши амал қил, нафсинг буюрган йўлга юрсанг муқаррар ҳалок бўлурсан. Нафсингизни тий, сандир, танинг парваршига эрк берсанг, у семириб кетади ва ибодатга сул бўласан. Шунинг учун ҳам танингни ўлдириб (ориклатиб) ибодатга ен-

гил бўл! Зеро, охир борадиган еринг қабрди. Аҳли қабрлар ҳар кун, ҳар соат қачон боришингизни кутиб туришади. Сен эса улар олдида «озуқасиз (яъни, совғасиз — тоат-ибадатсиз) боришдан сақлан, токи қабр аҳли сендан ранжимасин. Абу Бакр Сиддик разиллоху анху айтган эдилар: «Бу жасадлар — ким баъимосли кушлар қафаси ва аҳуд ҳайвонларни қамайдиган оғилнадири». Бас, сен фикр қил — ҳар иккинсинг қайси бирига мансуб — сен: агар юксакликка уладиган кушлар жумласидан бўлсанг (яъни, эзгу, ибодатли кишилар), худо томонидан келадиган «Эй, пок нафси!» деган нидони эшитиб, юқорига қараб учгайсен — токи жаннатнинг олий даражаларини қўчгайсен!» Айниқ, руҳ ўлмасдир. Буни гайридинлар ҳам эътироф этишади. Инглиз ёзувчиси Жорж Вандеман «Улим қўрқинчли эмас,— деб ёзади. Улим унчалик ёмон ҳодиса эмас, чунки унда инсоннинг тани ўлса ҳам ўзлиги (руҳи) яшаб қолади». Мўъмин мусулмонларни вужуд зулматига адашиб, қолиб кетишдан тангрининг ўзи сақласин!

XI асрнинг улкан олими Маҳмуд Қошғарий «Аёл жисмонан нозиклиги, авозининг нафислиги билан эридан устун турмоғи лозим», деб эътироф қилганди. Бинобарин, туркийларда аёл энг аввало она, оиланинг кут-баракаси, доно маслаҳатгўй сифатида эъзоз толган. Шу маънода «Курукот Ота китобиндаги Дирса хонинг хотинига қарата айтганлари эътиборлидир:

Бери келгин, бошим бахти,
уйим тахти,
Уйдан чиқиб юрганнда
сарв бўйлим,
Тўпигага чирмашгуна
қора сочим,
Эгилган ёй мисол,
кел қора қошим,
Қўша бодом сиймайдиган
тор оғизлим,
Кўз олмасига менгзор
ол ёноқлим,
Хотиним, тиргагим,
шарафлим келгил.

Халқ йиғинларида куйлаб, тилдан-тилга ўтиб келадиган «Алломиш», «Манас» сингари достонларда меҳр билан тасвирланган аёлларни шунчалик ҳаёлий тинимол деб билиш нотўғридир. Асарлардаги аёллар сиймоси ажодларимиз ўтмиш ҳаётининг тарихий негизлари асосида яратилган. Умуман, аёл қадим даврдан

нилан эмас. —М. А.) Туркий халқлар билимдонни В. В. Бартольд: «Ислолмгача бўлган даврда турклар аёлларни ҳурмат қилар, уларнинг жамоа ишларига қатнашувини юқори баҳолаб эдилар, у ҳақда ўрхун ёзуви гувоҳлик беради», деб ёзади. Утмиш ҳужжатлари яна шунни маълум қиладики, туркийларда аёл шахси қадимги ҳинд, хитой, эрон ва қатор халқларда бўлганидек, ўта камситилган эмас.

Қарийб 20 йил (1644—1664 йиллар) Хоразмга ҳукмдорлик қилган, йирик тарихчи олим сифатида ном қолдирган Абдулғоziхон «Шажарайи турк» асарига: «Кўчманчилар орасида аёллар ҳуқуқининг чегараланиши кейинги воқеа бўлса керак, ёки мўғуллар Урта Осиёни босиб олгандан кейинги инқироз давридир. Ислолмгача хотин-қизлар ҳуқуқи билад бўлган. Угуз элига 7 та ёки беклик қилган, деб бежиз битмаган.

VII асрга қадар туркий халқлар одами бўйича киз балогат ёшига етгандан кейин турмуш ўйдошини ўзи танлаб йўз тақдирини ўзи белгилар эди. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний ва бошқа аллолмаларнинг асарларида маълумотлар бор. Шу ўринда

Қолаверса, туркий халқлар ҳаётини ўрганишда нобб маъна ҳисобланиш халқ мақолларида ҳам аёлнинг ижтимоий жамият ва оилда тутган муҳим ўрни маъд қилинади: «Хотинларда хотин бор, бошларнда олтин бор. Эркакларда эркак бор, ҳисобда йўқ тентак бор», «Отанг-ни чорбоғида қолгунча, Отанг-ни ўймоғида қол».

Халқ мақолларида жамиятдаги турли ижтимоий муносабатлар, халқнинг маънавий олами ва эътиқодлари, унинг асрлар синовидаги ўтиши, ҳаққоний акс этирилишини назарда тутсақ, фикримиз янада ойдинлашади.

Айни чоғда оналарни улугловчи халқ кўшиқлари ҳам кам эмас. Таажжубки, ҳозиргача оғзаки ижодга деярли бир томонлама ёндашилди. Яъни ўтмишини қадрловчи, миллатни камситувчи, фақат маълум тоифаларга хизмат қилган ашулалар кўпроқ тилга оллинди. Аёлларни маъд этувчи туйғулор ҳам мавжудлиги ва улар ажодларимиз томонидан асрлар мо-байнида турмуш ва ҳаёт синовидадан ўтган аҳлоқий-маънавий мезонлар эканлиги атайин тарғиб қилинмоқда. Шарҳ аёлининг юксак ҳаё ва латофати, иқтидор-ю жасури-лини акс эттирган ижодиёт-

It's a beautiful world

туркий халқлар ҳаётида, оила ва жамиятда муҳим маъкега эга бўлганлигини тасдиқловчи қатор тарихий ёзма ҳужжатлар мавжуд. Таассуфки, етарли асосли манбалар бўлишига қарамай, «VII асрга қадар аёл қадри паст тутилган, уларга ҳайвонга бўлганидек муносабатда бўлинган» деган нотўғри фикрлар қайд этилди.

Ислолдан аввал, жаҳолият даврида арабларнинг кўп-лаб ноинсоний, ваҳшиёна урф-одатлари бўлган. Жумладан, уларда қиз болани таҳқирлаш ҳаддан зёёд эди. Ҳаттоки, қатта бўлса урушларда қатнаша олмайдиган қайтага асир тушиб, бизга шармандалик келтиради деб уларни тириклай кўмиб юборишган. Айни пайтда исломни Турон заминига кириб келиши билан аёл мартабаси янада юксалганлиги ҳам ҳеч шубҳасиздир. Лекин бу билан VII асргача туркий халқларда аёл ҳурмати оёқости бўлган деган хулосага келиш нотўғридир. Агар ўтмишда одамзод ўз худоларини аёл қиёфасида тасавур қилганликлари ва буни далилловчи ашёлар, яъни оғзаки қиёфасидаги маъбудлар юрти-мишда топилганлигини назарда тутсақ, унинг ҳам оилада, ҳам жамиятда муҳим маъкега эга бўлганлигини англаймиз.

Ажодларимиз наҳот излаб «томчи ташла сул хотин» дея илтижолар қилишининг ўзи ҳам аёл тўри-сидаги ижобий тасавурларимизни мустаҳкамлайди. Матрнархат, яъни она уру-гининг ҳукмронлик даври ҳам аёлнинг обрў-эътибори юксак бўлганлигини қатъий исботлайди. (Афсуски, туркий халқларда она уругининг ҳукмронлик даври етарли ўрга-

Бой Бижон қизи бону Чечак билан Байрак ўртасидаги кураш жарёвини эслашнинг ўзи етарлидир.

Қиз айтур: «Ҳой, йигит, маннинг отимдан бирон кимса ўзгани йўқ, ўқимни ҳеч кимса парчаламаган эди, бек йигит, энди сан билан кураша-миз», — деди. Тезда Байрак отдан тушди ва улар кураша бошлайдилар. Иккиси ҳам паҳлавон бўлиб, бир-биридан қолишмасди. Байрак қизни кўтариб, ерга урмоқ истаса, қиз Байракни кўтариб ерга урмоқ истар эди.

Байрак ўйлади: «Бу қиздан йиқилар бўлсам, буюк Угуз ичинда бошимга надомат ёғилиб, уятдан пушаймон бўламан». Ғайрати келди. Қизнинг белбоғидан олиб, мамасига қўл урди, қиз чекинди. Шу кез Байрак рақиб-нинг нозик белига кирди ва илби олиб тенага кўтариб, ерга урди.

Қиз айтур: «Йигит, билки, Бой Бийжон қизи бону Чечак мандурман». Байрак уч ўпди, бир тишлади. «Совга қутлуг бўлсин, хон қизи», — дея бармоғидан олтин узугини чикарди, қизнинг бармоғига кийдирди, — ўртамизда бу нишон бўлсин, хон қизи», — деди. Муғ тоғидаги (Самарқанддан 120 км. узоқликда жойлашган) қалъадан топилган Сўғд матни ҳужжатларида ҳам қадимги никоҳ битмалари ҳақида қимматли маълумотлар сақланган. Мазкур топилмаларда ҳам эр киши ўз хотинини ардоқламоғи, эзиковат, кийим-кечак, зебу-зийнат билан таъминламоғи ва ҳурмат-иззат қилмоғи лозимлиги ёзилган.

Утмиш кўшиқлари бутун бир халқнинг хислати феъл-атворини белгилай олмади. Айни чоғда тарихий хулоса учун етарли асос ҳам эмас.

нинг бетақорр намуналари имкон қадар кўздан йироқ тутилди. Бундай сохта уйдирма, ҳукмномадан асосий мақсад халқнинг ўзлигини англашга имкон бермаслик, ўтмишини ўрганишдан ҳазар қилишга ундаш бўлган. Чунки халқ қанчалик авом бўлса, шунчалик муте бўлади. Уз тарихининг нури саҳифаларини мукаммал билмаган, унга меҳр қўймаган миллатнинг келажаги йўқ.

Ҳа, тарих ҳасрату аламлардангина иборат, дейилган ақида оммага қайта-қайта сингдирилганим, унинг салбий оқибатига бугун гувоҳимиз. Ҳолбуки, миллатни уйғотмаслик сийсати авж олган даврдёёқ шарҳ аёлининг оила ва жамиятдаги юксак маъкеини ифодаловчи ижодиётнинг нақадар пурмаёно, ўта завқли хусу-сиятлари ўзбек, ҳатто жаҳон олимларининг кенг қамровли тадқиқотларида илмий асос толиб, тан олинган.

Умуман, ўзбек халқи тарихининг ҳамма давлрларида ажодларнинг маърифатли аёлга муносабати юксак бўлган. Бу фикрнинг яна бир ёркин исботи мумтоз шеър-иятиимиздир. Аёл улугланган шеърнинг нафаси гоятда сеҳрли ва умидбахш. Қайси бир мумтоз ижодкоримиз аёл шеърини ёмон сўз битган!

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, айрич манбаларда хотинларга нисбатан қаттиққўллик, эҳтиёткорлик, уларга итоат қилмаслик, эркак сўзининг мутлоқлиги эътироф қилинади. Лекин бу мустамлакачилик сийсати исқанжасидан холи бўлган, эркин, ҳаққоний тадқиқотлар учун алоҳида мавзудир.

Муҳаммад АҲМАД



Суратқаш С. МАҲКАМОВ

ОБ-ҲАВО ДАРАКЧИЛАРИ

Агар товуқлар ёмғирдан ўзин олиб қочмаса, ёмғирга қаттиқнинг узоқ давом этиши кутилади.

Товуқлар боғ, ҳовли ёки бостирманинг баланд-баланд жойларига чиқиб олса, тез вақт ичида ёмғир ёғаркан деяверинг.

Товуқларнинг қумда чўмилиб, сўнгра қанотини силкини ҳам ёмғиргарчилик аломати.

Ҳўрозлар кечки пайт қичқирса, ҳавода ўзгарши бўлади.

Гоз обғини кўтарса, совуқ ҳаво бўлади.

Қаттиқ совуқдан курка-хўроз қичқирса, илиқ шамол эсади.

Қушлар хурпайиб олса, ҳаво айниди. Агар учиб келган қушлар кўнламада узоқ вақт сайрамай юрса, совуқ бўлади. Сайраб турган қушлар сайрашдан тиниб қолса, момақандироқ бўлиши мумкин.

Қушлар чуғурлашиб сайраса, ҳаво очилди кетади.

Қушлар дарахларнинг кунга қараган томонига уч қўйса, ёз салқин нелади.

Ўзбекнинг гапи қизиқ...

НЕГА ШУНДАЙ ДЕЙМИЗ?

Ушбу мавзу юз сўзи, атамаси билан боғлиқ ибора, бирикмаларга бағишланган. Юз—даб ойнаси. Инсоннинг юзига қараб фариштали-ёқимли, фариштасиз-ёқимсиз деб ажратилади. Юз ҳиссёллари ички дунёнинг товланишларини ифодалаб туради. Шунинг учун ўзбек халқида юз гавсифи билан боғлиқ маъною манътик одамжаҳон.

ЮЗ АМРИ ШИРИН...

1. ЮЗИДАН УТОЛМАДИ. Бир ишни қилиш, хулоса чиқаришда обрўли шахснинг кўнглига қараб истиҳола қилиш, оқибатидан чўчиш, иззат. Юзидан ўтолмаслик,— кўнглида ўзининг мустақил фикринг бўлгани ҳолда дўстинг, оиланг, раҳбарингнинг истиғни адо эттишиг. Халқнинг одобли-андишали эканлигини кўрсатади. Кўнгличакликнинг салбий оқибатлари ҳам бор.

Бир латифада икки киши бир-бири билан даъволашиб қўлибди даъвогар ҳам, айланувчи ҳам барабар қозига пора беришибди. Даъво кўрилатганда қозининг мужмал, иккилашиб, ишончсизлик билан сўроқ олиб бораётганидан гаши келган даъвогар унга: гапни қирқ-қирқиб гапирсангизки, намунча чайналасиз?— дебди берган қирқ тилласига ишора қилиб.

— Қирқиб-қирқиб гапирардим-а,— манавининг юзидан ўтолмай турибман,— дея жавоб қилибди қози,— айланувчидан олган юз тилласини кўзда тутиб...

2. ЮЗИ ШУВИТ БУЛДИ. Бирор ишда берган ваъдасининг устидан чиқолмаган шахс ўза кишининг олдида уялиб, хижолат бўлиб қолади. Муқобили: хижолат тортиб, бошини кўтаролмай қолди ва ҳк.

3. ЮЗИ ИССИҚЛИК ҚИЛДИ. Халқда, шартта бетига гапирардиму бироқ юзи иссиқлик қилди-да, деган гап бор. Бунинг маъноси: эски, қадрдон, юзи юзга, кўзи кўзга тушадиган одамга, беодоблик қилса ҳам қаттиқ гапиролмадим, ўзи тушунбди, юзи шувит бўлиб қолар, мазмунга эга. Муқобили: юз амри ширин.

4. ЮЗИ ҚАТТИҚ. Юзининг пардаси йўқ, юзига чарм қоплаган, юзи йўқ ибораларнинг муқобили. Катта-кичиники, уят-номусни билмайдиган, тарбиясиз одамларга нисбатан айталади. Юзи қаттиқнинг кўзи қаттиқ, бедарда, бешарм, беҳаё бўлади.

5. ЮЗГА АЙТГАНИНГ ЗАХРИ ЙҮҚ. Бирор кишининг ортидан гапирарди, писмиқлик қилади. Айримлар одамнинг юзига камчилигини ошқорая айтади. Уша лаҳза Сизга оғир ботиб, кўнглингиз оғрийдди. Бироқ эртаси унутиб, камчилигингизни тузатиб оласиз. Бу гап, танбех, маълумотнинг юрагингизда захри, оғринг қолмайди. Орқадан гапиршишнинг эса захри ёмон. У Сизни чаёндай чақиб, умрингизни қисқартиради. Шундан халқ юзга (бетга) айтганининг захри йўқ, дейди. Ибора кўпинча танбех олдида ишлатилади.

6. ЮЗИНИ ЕРГА ҚАРАТДИ. Юзини ерга қаратиш — ота-онани, ака-ука, қариндош-уруғни уялтириб, ориятини букиб, қаттиқ хижолат остида қолдириш. Қизлар ота-онанинг гапидан чиқиб, ўзбошимчилик билан ёмон йўлга кирса, номуссизланса, бу ибора айтади. Баъзан кундалик ҳаётда биров иккинчи шахснинг ишончини оқламаса, уни уялтириб қўйса ҳам шу иборани ишлатадилар. Муқобили: юзига қаролмаслик.

7. ЮЗИНИ САРГАЙТИРДИ. Бировга ишинг тушиб боришинг — бу хижолат, иккилангич, изтироблар натижасидир. Шундай пайтда албатта аҳволи мушкул кишининг «юзи саргайди», ўкинади, қийналади. Бу ҳолатни халқ, фалончи писмадончига саргайиб (юзини саргайтириб) борди, дейди. Бу иборада борувчига нисбатан ачиниш, ҳамдардлик, ҳайрихоҳлик оҳанги мавжуд. «Юзини саргайтирди»нинг тагин бошқа маъноси — мурожаат қилиб келган одамнинг юзига солиш, уни хўрлаш, ҳақоратлашдир. Бундай пайтдаги «юзини саргайтирди» иборасида халқ мезбонни гайриинсонийликда, бағритошлик, гайрихалқийликда айблайди, даъватлайди. Муқобили: юзини заъфарон қилмоқ, юзини солиб бормоқ.

8. ЮЗИНГДА КҮЗИНГ БОРМИ ДЕМАЙДИ. Шарттани, олди-кетини ўйламай гапирардан, ҳовлиқма кишиларга, уларнинг муомалаларига нисбатан ушбу ибора ишлатилади. Сурбет, беибо одам, юзингда кўзинг борми демай, ёшинг, савиянг-маъқеинг билан ҳисоблашмай, оғир, ҳақоратомуз гапларни қилади. Кўнглингиз қолдиради. Муқобили: беандиша, дилозор.

9. ЮЗИНИ ТЕСКАРИ ҚИЛСИН. Тўғри маънода ишлатилмайди. Кўчма маъноси: ёқимсиз, бебо, бехосият одамга нисбатан, уни хўш кўрмаслик, юзини кўрмаслик мақсадида «қўйинг ўшани, менга рўпар қилманг», юзини тескари қилсин», дейишади. Баъзан қарши маъносда ҳам ишлатилади. Муқобили: юзи қурсин.

10. ЮЗИ КҮЙГАН. Бирор қилмиши, айб иши, хатоси, ёмонлиги билан ақин одамнинг олдида хижолатпаз, тили қисқиб бўлиб қолган одамга нисбатан «юзи куйган» ибораси ишлатилади. Юзи куйган асл маъносда ҳам ишлатилиши мумкин. Муқобили: юзи чурковли, юзи йўқ, юзи бормаиди.

11. ЮЗИГА ОЕҚ ҚҮЙМОҚ. Йиқилган ё ҳаётдан кўз юмган одамнинг юзига ёмон ниятли рақиб қасддан оёқ қўйиши мумкин. Бу — маъжур иборанинг ўз маъноси. Бироқ бу ибора асосан кўчма маънода қўлланади. Юзига оёқ қўй-

Маҳмуд САТТОРОВ

моқ — бирор одамга нисбатан ҳурмат-эътиборни сақламашлик, унинг маъқени ҳисобга олмашлик. Яхшилик қилган кишини унутиб, унга қарши ишга бош қўйиш. Номурдлик, нотантилик. Ибора аксарият салбий маъно ва оҳангда қўлланилади.

12. ЮЗИГА ЛОЙ ЧАПЛАМОҚ. Бирорни ўзи иштирокида ёки орқаворотдан ёмон олтиқ қилиш. Шарманда қилмоқ. Юзига лой чаплаш — одамни ёмонлаш, уни айбдор, ярамас шахс қилиб кўрсатиш. Бу ибора бажарувчига нисбатан салбий оҳангга эга. Халқ орасида, одамларнинг юзига лой чаплаб, хизмат пиллапоясидан юқорилаш ҳам мумкин эканда, деган истехзо, кяновий гап бор. Бу билан, ўзингку варрақдай, шамол қаёққа эсса, уша ёққа қараб вариллайсан, тагин ўзгаларнинг юзига лой чаплаганинг нимаси, дейилган бўлади.

13. ЮЗ КҮРИШ. Юз очиш, юзлашни, юз кўрсатиш каби иборалар муқобили. Келинларни илк бор қайнона-қайнотасига, қариндош-уруғларига кўрсатиш, юз очтириш маросими бор. Бу одат кўрмана бериш, танишиш, илк бор қавм-эл бўлиш ҳолатидир. Юз кўриш биринчи марта кўришмоқ, юз очиб кўриш, яқин олиш маъноларини ҳам беради.

14. ЮЗИ ҚОРА. Халқда, сўраб қораннинг бир юзи, бермаганнинг иккинчи юзи қора, деган гап бор. Маъноси: бирорга саргайиб, бирор нарса сўраш — юзини қара қилиш — билан баробардир. Узда бўлатуриб, шу нарсани бермаган, муҳтож одамнинг ҳолатини чиқармаган кишининг иккинчи юзи ҳам қора, дейишади лойиқдир. Юзи қора, юзи шувит ибораларнинг муқобили бўлиб, бирорнинг олдида инсоний, виждоний бурчини бажаролмай қолган ёки атайлаб бажармаган шахсларга нисбатан қўлланади.

15. ЮЗИ ОЧИҚ. Юзи очиқ — бети очиқ, андак салбий оҳанги ҳам бор. Иккинчиси, юзи очиқ — чодрали, чаволининг тескарис, юзининг очилиги. Учинчиси, юзи очиқ — хушмуомалали, тақаллуфли, меҳмоннавоз бўлиш, тўртинчиси — юзи очиқ ўта салбий, танқидий оҳангда: бети қаттиқ, ахлоқсиз, пардасиз одам маъноларига. Юзи очиқ — асосан, яқин одам деган юборанинг муқобили бўлаолади.

16. ЮЗИ ЙҮҚ. Бир одам Сиз билан арзимас масалада сан-манга бориб, қаттиқ жанжаллашиб қолади. Орадан бир-икки кун ўтмай, иши тушиб қолчак, тагин ўртада ўч гап ўтмагандай Сизга юзини солиб келаверади. Шундай пайтларда, юзи йўқ эканку бунинг, кечаги гапи қайдаю, бугунгиси қайда, дейсиз. Юзи йўқнинг муқобили — уятсиз, андишасиз, бети билан кети бир, муттаҳам, иккиозламачи, беор ва ҳоназолар.

17. ИШИ ЮЗ. Бирор кишининг омади чопса, ишлари ўнгидан келса, жуда бахтиёр киши бўлиб, бир умр ҳаёти яхшилик томон илгарилайверса, бундай одамларга нисбатан иши юз деган ибора ишлатилади. Бу дегани, режалаштирган, олдига қўйган иши, мақсади юз фоида бажарилган, хатоси, камчилиги йўқ маъноларидадир. Муқобили: иши беш, хатоси йўқ, ишлари бундоқ (бош бармоқ кўтариб кўрсатилади).

(Давоми бор)

МУАССИС: Ўзбекистон

Республикаси Алоқа

Вазирлиги



Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ

Мирпўлат МИРЗО

Тоҳир РАҲИМОВ

Ислом УСМОНОВ

(бош муҳаррир

ўринбосари)

Еқубжон

ХУЖАМБЕРДИЕВ

Бобоҳон ШАРИПОВ



ЖАМОАТЧИЛИК

КЕНГАШИ:

Бўриной АҲМЕДОВ

Воҳид АЪЗАМОВ

Билал АМИНОВ

Шоҳруҳ АКБАРОВ

Саидмаҳмуд

АҚБАРОВ

Меҳмонқул

ИСЛОМҚУЛОВ

Жамол КАМОЛ

Тўлқин

ЛУТФУЛЛАЕВ

Сафар ОСТОНОВ

Еқуббек

ЯҚВАЛХУЖАЕВ

Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,

Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

Телефонлар: 32-36-42,

32-35-29, 44-29-09.

Индекс: 64800.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.



Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулнинг муаллифлар зиммасидадир.



Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.

Тошкент шаҳри,

Буюртма № Г-147.

23020 нусхада босилди.

1 2 3 4 5 6

БУ—ҚИЗИҚ

● 1899 йили Варшавада А. С. Пушкин туғилган кунининг юз йиллиги муносабати билан унинг «Евгений Онегин» асари 28Х18 миллиметр ўлчамда нашр қилинди. Китобчининг ҳар бир саҳифасига ўттиздан сўз сиғдирилган. Медальон юпюкнинг ўртасида эса китобни ўқиб учун лиза ўрнатилган.

● Австрияда 68 та ҳикояни ўз ичига олган китоб нашр қилинган. Ҳар бир ҳикоя алоҳида рангдан қозоғга босилган. 1934 йилдаги Америка календарининг январь ва февраль ойлари босма қозоғга, март ва апрель ойлари папирус қозоғига, май ва июнь — чивинни ҳайдаш учун тутилмаган қозоғга, июль ва август — пашша тутғич ёпишқоқ қозоғга, сентябрь ва октябрь — машинада нусха кўпайтирадиган

рангли қозоғга, ноябрь ва декабрь ойлари эса фильтр қозоғга чоп этилган.

● XV аср охирида Венециялик машҳур ношир Альд Мануций кичрайтирилган ҳажмада китоб босиб чиқаришни «ихтиро» қилди. XVII асрда яшаган голландиялик ака-ука Эльзевирлар ундан ўтиб тушдилар. Улар жилд-жилд шеърлар тўпламини жуда ҳам жакжи шаклда чиқара бошладилар. Ҳозирги пайтдаги энг митти китоб Американинг Вусбер шаҳридаги босмахонада чоп этилди.

● Олимпия ўйинлари иштирокчилари бўлган давлатларнинг тилида чиқарилган «Олимпиада қасамеди» китоби Германияда нашр қилинган. Бу жакжи китоб боланинг тирноғича ўлчамдадир.

МУЗЛАГАН ЙУЛДАН

Қишда автомобил йўллари музлайди ва йўл ҳаракати бузилишига сабаб бўлади, деб хабар беради «Заман» газетаси. Англияда бахтсиз ҳодисаларнинг олдин олиш учун бир жихоз кашф этилди. Бу қурилма йўлларга ўрнатилди, ҳаво совуса, жиҳознинг мовий чирюги, иссиқ бўлса қизили ёнади. Ҳайдовчи йўлда кетар экан, жиҳознинг мовий чирюни кўрган ҳамон тезликни пасайтириб, бирор тадбирини ишга солади. Жиҳознинг яна бир яқин тусуниги бор: чирюни ўзи тозалайди. Шу аснода йўл фалокатларининг олди олинган бўлади.

ЭЛЕКТРОН «АЛЛА»

Бугунги кунда инсон ҳаётининг ажралмас бўлагига айланган юксак савиядаги техника «алла» айтиб ухлатадиган даражага етиб келди. «Бейби Сутзег» (бола ухлатадиган) деб номланган касета Япония ва Англияда сонига чикварилди. У чақалоқ-

ларга ҳайрон қоларлик даражада таъсир қилмоқда. Мутахассислар, «алла»ни эшитган ҳар ўн боладан тўққизта-син уйкуга кетишини аниқлаганлар.

Кассета ишлаб чиқарадиган илмий тадқиқот ширкатининг режалаштириш мудир Христи Митчелл: «Тажрибалар шунини кўрсатмоқдаки, ёзув болан икки эрим ойлик бўлганда бошлаб эшиттирилса, янада кучлироқ таъсир кўрсатади», деди.

ПАРИШОНХОТИРЛАР

УЧУН ДАЗМОЛ

Япониянинг бир фирмаси мутахассислари иккинчи компьютер ўрнатилган дазмол бирор буюмга тегиши билан ЭҲМи дарҳол ишга тушиб, ҳаракат ва дазмоллаш вақтини белгилайди. Агар парижонлик билан қизиб турган дазмолни кийим устида қолдирсангиз, компьютер дарров уни ўчириб, овоз чиқаради.